

Жиноят иши: № [REDACTED]
Маърузачи судья: А.А.

Биринчи инстанцияда ишни кўришда
раислик қилган судья: Э.Б.
Кассация инстанциясида маърузачи
бўлган судья: З.Я.

[REDACTED] ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

[REDACTED] вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа тизими орқали, раислик қилувчи судья Т.М., судлов ҳайъати судьялари М.Р. ва А.А.дан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Б.нинг котиблигида, тарафлардан [REDACTED] вилоят прокуратураси бўлим прокурори Д.М., маҳкум И.Д.нинг ҳимоячиси, адвокат С.С.нинг иштирокида, маҳкум Х.Б.С. ва Д.И.ларга оид жиноят ишининг И.Д.га оид қисмини маҳкум И.Д. томонидан тафтиш тартибида келтирилган шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] 25 октябрдаги ҳукмига кўра: Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва жазони 2024 йил 12 апрель кунидан махсус тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

[REDACTED] вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 7 январдаги ажримига кўра, суд ҳукмининг унга оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, И.Д. илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этиб, жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг 2008 йил 26 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилиб, 2019 йил 24 сентябрь куни жазони тўлиқ ўтаб чиққан бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, 2024 йил 31 март куни Б.Ҳ. билан телефон орқали гаплашиб, ундан “опий” гиёҳвандлик воситасини [REDACTED] вилоятига келтириб беришни сўраб, ушбу гиёҳвандлик воситаларини сотиб ўтказишни мақсад қилиб, 2024 йил 11 апрель куни Б.Ҳ. [REDACTED] тумани, Буюк аждодлар маҳалласидан ўтган темир йўл кесишмасига келган вақтида, гиёҳвандлик воситалари ноқонуний айланмасига қарши ўтказилган тезкор тадбир давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушлангани натижасида, И.Д.нинг вазни 3372 грамм кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситасини олиб, сотиб ўтказиш жиноий



режаси охирига етмасдан, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотиш жиноятини содир этишга суиқасд қилган.

Бундан ташқари, 2024 йил 12 апрель куни соат 09-05ларда И.Д.нинг [REDACTED] кўчаси, 20-уйи кўздан кечирилганида, омборхонасидан 8 бўлак ва уйининг шимол томонидаги тандир ёнидан 2 бўлак жами 10 бўлак вазни 78,13 грамм кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқлангани сабабли, ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра жиноят охирига етказилмасдан, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларни сотиш жиноятини содир этишга суиқасд қилган.

Мазкур ҳукм билан Б.Ҳ. ҳам судланган бўлиб, суд ҳукмининг шу қисми юзасидан тафтиш тартибида шикоят берилмагани ва протест келтирилмаганлиги сабабли, ишнинг унга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Судлов ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 479-моддасининг 4-қисми талабидан келиб, маҳкум И.Д. жазони ижро этиш муассасасида жазо ўтаётганлиги сабабли ишни унинг иштирокисиз кўришни лозим топади.

Маҳкум И.Д.нинг тафтиш шикоятларидаги, Ўзбекистон Республикаси ЖПК талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилинмасдан, фақат тахмин ва фаразларга асосланган ҳолда қарор қабул қилингани, таниши Б.Ҳ.дан расмийлаштириб олинган 3372 грамм гиёҳвандлик воситасини кейинчалик сотиб ўтказиш мақсади бўлганлиги эпизоди бўйича ишда унинг айбини тасдиқловчи бирон-бир объектив далил мавжуд эмаслиги, шу сабабли ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги, бундан ташқари, иккинчи айблов эпизодида кўрсатилган яшаш хонадонидан топилган 78,13 грамм “опий” гиёҳвандлик воситасини келгусида ўтказиш мақсадида сақлаб келганликда нотўғри айблангани, ишда гиёҳвандлик воситасини бошқа шахсларга сотганлик ёки ўтказганлик ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслиги ҳақида важлар келтириб, суд ҳукмининг таниши Б.Ҳ.дан 3372 грамм гиёҳвандлик воситасини олиб, кейинчалик сотиб ўтказиш мақсади бўлгани ҳақидаги айблов эпизоди бўйича оқлаб, жиноят ишининг шу қисмини тугатиш ҳамда яшаш хонадонидан топилган гиёҳвандлик воситасини келгусида ўтказиш мақсадида сақлаб келганликдаги айблов эпизоди бўйича унинг ҳаракатларини ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмидан 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандига қайта квалификация қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья А.А.нинг маърузасини, маҳкум И.Д.нинг ҳимоячиси, адвокат С.С.нинг шикоятни қувватлаш ҳақидаги, прокурор Д.М.нинг шикоятни қаноатлантирмасдан, суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, шикоятдаги важларни жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан биргаликда ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, шикоятни қаноатлантирмасдан, суд қарорларининг И.Д.га оид қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Судлар жиноят иши тафсилотларини батафсил ўрганиб, барча ҳолатларига ҳуқуқий баҳо берган.

Маҳкум И.Д.нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, гарчи у судда айбига қисман иқрорлик билдириб



кўрсатувлар берган бўлсада, иш бўйича сўралган гувоҳлар М.Ғ., У.Р., Қ.Қ., Қ.Қ., Д.Ж., И.Р. ва У.Қ.нинг биринчи инстанция судида берган кўрсатувлари, гувоҳлар Ж.Х. ва Н.С.нинг тарафларнинг розилиги билан биринчи инстанция судида ўқиб эшиттирилган дастлабки терговда берган кўрсатувлари, шунингдек, жиноят ишида мавжуд бўлган биринчи инстанция судида ўқиб эшиттирилиб, муҳокама қилинган билдирги, Б.Ҳ.ни ёнлари ва сумкасини кўздан кечириш, ашёвий далилни олиб ўлчаш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар, суд-кимёвий экспертиза хулосалари, И.Д.ни уйи ва бошқа жойларини кўздан кечириш ҳамда ашёвий далилни олиш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар, Б.Ҳ. ва И.Д.нинг қўл телефон аппаратларини олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённомалар ва уларга илова қилинган фотосуратлар, кўздан кечириш далолатномаси, суд наркология экспертизаси хулосаси, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа бир қатор объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Судлов ҳайъати, маҳкум И.Д.нинг шикоятда келтирган ҳамда адвокат С.С.нинг тафтиш инстанцияси судидаги музокарасида билдирган, судлар томонидан ЖПК талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилинмасдан, фақат тахмин ва фаразларга асосланган ҳолда қарор қабул қилингани, И.Д.нинг таниши Б.Ҳ.дан расмийлаштириб олинган 3372 грамм гиёҳвандлик воситасини кейинчалик сотиб ўтказиш мақсади бўлганлиги эпизоди бўйича ишда унинг айбини тасдиқловчи бирон-бир объектив далил мавжуд эмаслиги, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли, ушбу айблов эпизоди бўйича И.Д.ни оқлаб, жиноят ишининг шу қисмини тугатиш лозимлиги ҳақидаги важлари билан ҳам келишмайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 81-моддасида, ижтимоий ҳавfli қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланиши, бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 21-бандида, ЖКнинг 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш,



ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозимлиги, шахснинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш учун ЖКнинг 273-моддаси тегишли қисми билан жавобгарлик уларнинг миқдори билан боғлиқ ҳолда келиб чиқиши ҳақида тушунтириш берилган.

Судлов ҳайъати, судлар томонидан юқорида қайд қилинган Қонун талаби ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилинган деб ҳисоблайди.

Хусусан, гувоҳ Қ.Қ. судда, [REDACTED] туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлашини, 2024 йил 11 апрель куни қўл остидаги ходимлари Б.Ҳ.ни сумкасида гиёҳвандлик воситаси борлигини айтиб, уни ИИБ биносига олиб келгани ва сумкаси холислар иштирокида кўздан кечирилгани, шунда ундан гиёҳвандлик воситаси ҳужжатлаштириб олинганини, шундан сўнг тезкор суриштирув натижасида, Б.Ҳ. ушбу гиёҳвандлик воситасини [REDACTED] туманида яшовчи И.Д.га олиб келаётгани маълум бўлганини, шу сабабли 2024 йил 12 апрель куни И.Д.нинг уйига холислар иштирокида борилиб, уйдан “опий” гиёҳвандлик воситаси солинган пакетлар, тарози, сим ва пуллар аниқланиб, ҳужжатлаштирилиб олинганини баён қилиб, кўрсатув берган.

Гувоҳ Д.Ж. судда, [REDACTED] туман ИИБ ТҚБ ЖКБ бошлиғи лавозимида ишлашини, 2024 йил 11 апрель куни кечқурун хизмат давомида ходимлар Б.Ҳ.ни ушлаб, ИИБ биносига олиб келишганини, сўнг икки нафар холис иштирокида унинг сумкаси кўздан кечирилганини, шунда сариқ рангли скочга ўралган “опий” гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланиб, ҳужжатлаштирилиб олинганини, сўнг Б.Ҳ.нинг қўл телефони кўздан кечирилганида, И.Д.нинг телефон рақами борлиги аниқланганини, эртаси куни санкция асосида И.Д.нинг яшаш уйи кўздан кечирилганини, шунда уйдан тарози, “опий” гиёҳвандлик воситаси, “опий” гиёҳвандлик воситаси солинган пакетлар аниқланиб, ҳужжатлаштирилиб олинганини баён қилиб, кўрсатув берган.

Гувоҳ Қ.Қ. судда, [REDACTED] туман ИИБда профилактика инспектори лавозимида ишлашини, 2024 йил 11 апрель куни тунги навбатчилик бўйича хизмат олиб бораётганида, [REDACTED] туманидан ўтган темир йўл кесишмасида Б.Ҳ.ни кўриб, ундан шубҳаланиб тўхтатишганини, сўнг ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжат сўрашганида, у ёнида ҳужжати йўқлигини айтганини, шундан кейин ундан қаердан эканлиги сўралганида, у [REDACTED] вилоятдан эканини айтганини, сўнг унинг шахсини аниқлашганини, ундан нима қилиб юрганини сўрашганида, у 500.000 сўм пул беришини, уни қўйиб юборишларини айтганини, кейин унинг ёнидаги сумкасини очиб қарасалар, фуқаролик паспорти ва сариқ рангли скочга ўралган нарса борлигини кўрганларини, ундан ушбу нарса ҳақида сўрашганида, у қўйиб юборишларини сўраганини, бироқ уни ИИБ биносига олиб боришганини баён қилиб, кўрсатув берган.



Гувоҳ И.Р. судда, 2024 йил 11 апрель куни ишда холис сифатида катнашганини, унда ИИБ биносида ходимлар Б.Х.нинг сумкаси кўздан кечирилганида, унда сариқ рангли скочга ўралган “опий” гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланиб, ҳужжатлаштириб олинганини баён қилиб кўрсатув берган.

Судлов ҳайъати, гувоҳларнинг ушбу кўрсатувларини иш ҳолатига мос келади деб ҳисоблаб, уларни мақбул далил деб баҳолайди.

Жиноят иши ҳужжатларига кўра, И.Д. илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этиб, унга жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг 2008 йил 26 декабрдаги ҳукмига кўра ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавfli рецидивист деб топилиб, 2019 йил 24 сентябрь куни жазони тўлиқ ўтаб чиққан бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, 2024 йил 31 март куни Б.Х. билан телефон орқали гаплашиб, ундан “опий” гиёҳвандлик воситасини [REDACTED] вилоятига келтириб беришни сўраб, ушбу гиёҳвандлик воситаларини сотиб ўтказишни мақсад қилиб, 2024 йил 11 апрель куни Б.Х. [REDACTED] тумани, Буюк аждодлар маҳалласидан ўтган темир йўл кесишмасига келган вақтида, гиёҳвандлик воситалари ноқонуний айланмасига қарши ўтказилган тезкор тадбир давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушлангани натижасида И.Д.нинг вазни 3372 грамм “опий” гиёҳвандлик воситасини олиб, сотиб ўтказиш жиноий режаси охирига етмасдан, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотиш жиноятини содир этишга суиқасд қилган.

Суд кимёвий экспертизасининг 2024 йил 12 апрелдаги 296-сонли хулосасида, Б.Х.дан олинган бир бўлак жигар рангли, ўткир ҳидли, юмшоқ, ёпишқоқ ҳолдаги модда таркибида опий гуруҳига мансуб бўлганлиги, гиёҳванд алкалоидлар – морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлиб, бу моддалар “опий” моддаси дейилиши ва опийнинг жами соф оғирлиги 3372 граммга тенглиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 330-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (I рўйхат)нинг 127-бандида, “Опий” гиёҳвандлик воситасининг 2 граммдан ортиғи кўп миқдорни ташкил қилиши белгиланган.

Шунингдек, жиноят ишида мавжуд бўлган 2024 йил 11 апрелдаги Б.Х.нинг телефон аппаратини олиш ва кўздан кечириш баённомасида, И.Д.га тегишли +[REDACTED] телефон рақами билан 31.03.2024 йил соат 11:00да 00:01:18 дақиқа, 11.04.2024 йил соат 18:02да 00:00:24, 11.04.2024 йил соат 22:09да 00:00:09, 11.04.2024 йил соат 23:51да 00:00:00 жами 9 мартаба



чиқувчи ҳамда 11.04.2024 йил соат 22:53да 00:01:09, 11.04.2024 йил соат 22:56да 00:01:22, 11.04.2024 йил соат 22:59да 00:01:45, 11.04.2024 йил соат 23:03да 00:00:18, 11.04.2024 йил соат 23:09да 00:00:17 дақиқа жами 13 маротаба қирувчи кўнғироқлар мавжудлиги аниқланган.

Шунингдек, суд-наркология экспертизасининг 2024 йил 24 апрелдаги 121-сонли далолатномасида, И.Д.да кўрик вақтида ўткир руҳий бузилишлар, абстинет синдром, оғир соматик ўзгаришлар кузатилмаганлиги сабабли мажбурий тартибда муҳтож эмаслиги қайд қилинган.

Шулардан келиб чиқиб, судлар И.Д.ни 2024 йил 31 март куни Б.Х. билан телефон орқали гаплашиб, ундан “опий” гиёҳвандлик воситасини [REDACTED] вилоятига келтириб беришни сўраб, ушбу гиёҳвандлик воситаларини сотиб ўтказишни мақсад қилиб, 2024 йил 11 апрель куни Б.Х. [REDACTED] тумани, Буюк ажодлар маҳалласидан ўтган темир йўл кесишмасига келганида, гиёҳвандлик воситалари ноқонуний айланмасига қарши ўтказилган тезкор тадбир давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушлангани натижасида, И.Д.нинг вазни 3372 грамм “опий” гиёҳвандлик воситасини олиб, сотиб ўтказиш жиноий режаси охирига етмасдан, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотиш жиноятини содир этишга суиқасд қилганлиги етарли далиллар билан тасдиқланиши ҳақида тўғри ва асосли хулосага келганлар.

Судлов ҳайъати, юқорида қайд қилинган ишга алоқадор далилларни ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келадиган, ишончга сазовор ва мақбул далиллар деб ҳамда уларни И.Д.ни суд ҳукмида кўрсатилиб, муҳокама қилинаётган жиноятни содир қилишда айбли деб топиш учун етарли деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, маҳкум И.Д.нинг шикоятда келтирган ҳамда адвокат С.С.нинг тафтиш инстанцияси судидаги музокарасида билдирган, И.Д. яшаш хонадонидан топилган 78,13 грамм “опий” гиёҳвандлик воситасини келгусида ўтказиш мақсадида сақлаб келганликда нотўғри айблангани, ишда гиёҳвандлик воситасини бошқа шахсларга сотганлик ёки ўтказганлик ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслиги, улар И.Д.нинг истеъмоли учун сақланиб келингани эътиборга олинмагани сабабли, И.Д.нинг ушбу ҳаракатини ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмидан 276-моддасининг 2-қисмига қайта квалификация қилиш лозимлиги ҳақидаги вазияти билан келишмайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 20-банди 3-хатбошисида, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан кўзланган мақсадни аниқлашлари зарурлиги, бундай восита ёки моддаларни эгаллаш уларни келгусида ўтказиш (сотиш) учун содир этилганлиги аниқланган тақдирда, айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш ёки



суиқасд сифатида қўшимча равишда ЖК 25,273-моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида;

25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар кириши, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, И.Д.нинг [REDACTED] кўчаси, 20-уйи кўздан кечирилганда, уйнинг омборхонасидан 8 бўлак ва уйининг шимол томонидаги тандир ёнидан 2 бўлак, жами 10 бўлак вазни 78,13 грамм кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилган.

Ишга илова қилинган суд-кимёвий экспертизасининг 2024 йил 12 апрелдаги 298-сонли хулосасида, И.Д.дан олинган 10 бўлак жигар рангли, ўткир ҳидли, юмшоқ, ёпишқоқ ҳолдаги модда таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган, гиёҳванд алкалоидлар - морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлиб, бу моддалар “опий” моддаси дейилиши ва опийнинг жами соф оғирлиги 78,13 граммга тенглиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 330-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (I рўйхат)нинг 127-бандида, “Опий” гиёҳвандлик воситасининг 2 граммдан ортиғи кўп миқдорни ташкил қилиши белгиланган.

Шунингдек, суд-наркология экспертизасининг 2024 йил 24 апрелдаги 121-сонли далолатномасида, И.Д.да кўрик вақтида ўткир руҳий бузилишлар, абстинет синдром, оғир соматик ўзгаришлар кузатилмаганлиги сабабли мажбурий тартибда муҳтож эмаслиги қайд қилинган.

Ишда мавжуд бўлган суд-наркология экспертизасининг 2024 йил 24 апрелдаги 121-сонли далолатномасида, И.Д.да гиёҳвандлик, қора дори



гиёҳвандлик воситасини эзиб ичиш йўли орқали истеъмол қилиш касалликнинг клиник аломатлари шаклланганлиги кўрсатилган бўлса-да, 2024 йил 12 апрель куни унинг уйида ўтказилган тинтув тергов ҳаракатлари давомида уйининг омборхонасидан топилган 8 бўлак ва уйининг шимол томонидаги тандир ёнидан топилган 2 бўлак жами 10 бўлак вазни 78,13 грамм кўп миқдордаги “опий” гиёҳвандлик воситаларининг миқдори истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдор эканлиги ҳамда уларни муайян ўлчамларда алоҳида-алоҳида қадоқланганлигининг ўзи унинг ушбу гиёҳвандлик воситаларини ўзи истеъмол қилиш учун сақлаган деган хулосага келиб бўлмайди.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати, иш ҳолатидан келиб чиқиб, И.Д.нинг уйдан топилган “опий” гиёҳвандлик воситаларини келгусида сотиб ўтказиш мақсадида сақлаб қўйганлиги ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, юқорида қайд қилинган ишга алоқадор далилларни ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келадиган, ишончга сазовор ва мақбул далиллар деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, иш ҳолатидан келиб чиқиб, И.Д.нинг мазкур жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Қайд қилинганларга асосан, маҳкум И.Д.нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94 ва 95-моддалари тартибига мувофиқ ҳолда баҳо берилган далиллар билан асослантирилган бўлиб, келтирилган тафтиш шикоятдаги баён этиб ўтилган, шунингдек, адвокат С.С.нинг тафтиш инстанцияси судида келтираётган важлари, жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида муҳокама қилинган далиллар йиғиндиси билан инкор қилинади.

Шикоятда келтирилган бошқа важлар кассация инстанциясида ҳам атрофлича текширилган бўлиб, суд томонидан бу важларни қаноатлантириш учун асослар мавжуд бўлмаганлиги сабабли қонун доирасида рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

шу кодекснинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги;



шу кодекснинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

шу кодекснинг 54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги ҳақида; 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши ҳақида;

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд томонидан И.Д.га нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиниб, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги раҳбарий тушунтиришларга амал қилиниб, унинг айбига қисман иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароити, уч нафар фарзанди борлиги, моддий аҳволи жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, гиёҳвандлик воситасининг тури ва миқдори инобатга олиниб, унга нисбатан адолатли жазо, яъни унинг шахси ва қилмишига мувофиқ меъёрда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш, жазони ЖК 50-моддаси



7-қисмининг “Г” банди талабига асосан махсус тартибли колонияларида ўташни белгилаш ҳақида қонуний ва асосли тўхтамга келинган.

Шу сабабли судлов ҳайъати, суд қарорларининг И.Д.га оид қисмини ўзгаришсиз, келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521³, 521⁴ ва 521⁶-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED]
25 октябрдаги ҳукми ва [REDACTED] вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг [REDACTED] ажримининг Д.И.га оид қисми ўзгаришсиз, шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Тафтиш инстанцияси судининг ажрими устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида қайта кўриб чиқилиши учун шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Т.М.

Ҳайъат судьялари

М.Р.

А.А.

